АБДУСАМАД ИЛЁСОВ

# ДУТОР ЎРГАНИШ КИТОБИ

„ЎҚИТУВЧИ“ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1966

www.ziyouz.com kutubxonasi

782
И43

9—2
159. Ўқит. 66

**Илёсов Абдусамад.**

Дутор ўрганиш китоби. Маданий-оқартув техникумлари ва музика билим юртларининг ўқувчилари учун қўлланма. Т., «Ўқитувчи», 1966.

108 бет. Тиражи 5000.

**Ильясов А.** Самоучитель игры на дутаре.

782

www.ziyouz.com kutubxonasi

## АВТОРДАН

Ўзбек музика асарлари ўзбек халқ чолғу асбобларида ижро этилганда пардалараро товуш тўлқинлари, ундан чиқадиган оҳанг безаклари ва нола эшитилишлари шу чоққача нота белгиларида кўрсатилмаган эди.

Ушбу китобнинг назарий қисмида пардалараро товуш безаклари ва нола оҳангларининг аниқ эшитилиши учун янги белгилар кўрсатилди.

Дутор зарбларининг ҳар бирига махсус ном берилиб, уларни қандай ўрганиш методлари баён қилинди.

Назарий қисмда дутор учун берилган куйлар бир товушда ёзилганда иккинчи торнинг очиқ эканлиги (парда босилмаслиги) ва унинг нотада ёзилмаслиги кўрсатилди.

Китобда назарий қисмдан ташқари, тўрт қисм бор.

Биринчи қисмда дутор пардаларини ўрганишда оддий зарбларда турли машқлар, ўзбек халқ куйлари ва Ўзбекистон совет композиторларининг энг кичик куйларидан берилди.

Иккинчи қисмда дутор зарбларига турли вариантларда машқлар берилиб, куйлар бир оз мураккаблаштириб борилди.

Учинчи қисмда иккинчи торнинг биринчи торга жўр бўлиши, чертиш, безак, нола белгилари ишлатилган куйлар ва дуторнинг ашулага жўр бўлиши кўрсатилди.

Тўртинчи қисмга фортепьянонинг дуторга жўр бўлиши ва дутор куйлари киритилди.

Мазкур китоб республиканинг музика мактаблари, техникум, консерватория ва мактаб тўгаракларида дутор ўрганиш учун қўлланмадир.

Автор, маданий-оқартув техникумлари, музика билим юртлари ва консерватория ўқувчилари, шунингдек ўзбек музикасини ўрганмоқчи бўлган кишилар ушбу қўлланмадан фойдаланиб, келгусида музика ҳаётига ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб умид билдиради.

Агар композиторлик факультетларининг дарсликларига дутор иккинчи ихтисос қилиб киритилса, янада яхшироқ бўлар эди. Чунки дутор ўзбек куйларини ижро этиш маҳоратини ошириб боришда, халқ куйларини қайта ишлашда дутордан чиқадиган садо ва куй безакларини аниқ ва ёрқин ижро этиш орқали музика санъатини тобора бойитишда катта аҳамиятга эгадир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дуторда музика асарларини ижро этишда энг муҳим нарса — дутор зарбидир.

Дуторда зарбларнинг ҳар хил бўлганлиги сабабли ва ўзбек музикасидаги нола эшитилишларига қарата дутор зарблари ва парда босишларга янги белги (ишора)лар киритилди.

Дутор учун қўйилган янги белгилардан ташқари, нота назариясида мавжуд бўлган белгилардан ҳам имконият борича фойдаланилди. Лекин бу белгиларнинг бир хиллари дутор зарблари ва парда босишларда нота назариясида кўрсатилган маънодан мутлақо бошқа маънода ишлатилди.

## ЯНГИ БЕЛГИЛАР

Чертиб чалиш белгиси.

Дутор қопқоғига ўрта бармоқ билан уриб чалиш белгиси.

Бир зарбда пастки товушни юқоридаги пардага олиб чиқувчи „нола“ белгиси.

Бир зарбда юқориги товушни пастдаги пардага олиб тушувчи „нола“ белгиси. Бундай нолалар бир тондан ортиқ интервал оралиғида учраши ҳам мумкин.

„Қўш нола“ белгиси — бир пардада урилган зарбга парда устидаги бармоқ икки марта кўтарилиб-тушиб, сўнг товушни пастдаги товушга олиб тушади.

П Катта зарб белгиси — панжа билан торни пастга уриш зарби („П“ — панжа маъносида).

Б Катта зарб белгиси — бош бармоқ билан юқорига уриш зарби (зарб кучли чиқсин учун бош бармоқ тагидан кўрсаткич ва ўрта бармоқлар ёрдами билан урилади).

К Катта зарб белгиси — кўрсаткич бармоқ устига бош бармоқ қўйилган ҳолда торни фақат пастга уриш зарби.

к Кичик зарб — кўрсаткич бармоқ билан зарбни пастга $\overset{к}{V}$ белгиси ва юқорига $\overset{к}{\Lambda}$ белгиси билан уриш зарби

б Кичик зарб — бош бармоқ билан зарбни $\overset{б}{V}$ пастга ва $\overset{б}{\Lambda}$ юқорига уриш зарби.

Т Тескари зарб („Т“ — тескари маъносида).

Бир пардани эзиб нола қилиш белгиси.

Қўш зарб — нотанинг бундай кўриниш шакли бир пардада *б* зорбини юқорига уриб ва *П* зарбини дарҳол пастга уриш билан ҳосил бўлади.

Безак белгиси — бир урилган зарбга, пардани босувчи бармоқлар ёрдами билан пастки пардадаги товуш юқоридаги пардага чиқиб тушади ва



усулини беради.

Юқоридаги безак белгисининг аксинчаси бунда



усулини беради.

Музика назариясидаги мавжуд белгилардан қуйидаги маънода фойдаланилади:

Тириллатиш зарби ўрнида ишлатилади.

Арпеджио — „Терма зарб“ белгиси ўрнида ишлатилди.

Ноталарнинг бундай шаклда ёзилиши „Тановар“ зарби ўрнида ишлатилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## НОТА НИМА

Маълумки, оғиздан чиққан ҳар бир сўз ҳарфлар ёрдамида ёзилади, бу ҳарфлар сўзларни ёзиш учун шартли белги ҳисобланади. Нота эса музика асбобларидан чиққан товушларни ёзиш учун қабул қилинган белгидир.

Нота белгилари кўринишда оқ, қора, таёқчали ва бетаёқча бўлади. Ноталар ҳар хил турда ёзилиши билан бирга, уларнинг ҳар бири узун-қисқалик ўрнини тутади ва бутун, ярим, чорак (тўртдан бири), нимчорак (саккизлик), ўн олтилик, ўттиз иккилик номларини олади.

Бир бутун нота товушларнинг энг узун белгиси қилиб олинади. Энг қисқа нотани яратиш учун бир бутун нотани тенг иккига бўлиш ва ундан чиққанларни ҳам тенг иккига бўлиб бориш керак бўлади.

## УЗУН ТОВУШЛАРНИНГ БЎЛИНИШИ





www.ziyouz.com kutubxonasi

## Ноталарнинг саналиш йўли




## ЛИГА

Л и г а итальянча сўз бўлиб, б и р л а ш т и р и ш демакдир.

Товушларнинг кўпроқ чўзилиши керак бўлса, бир, икки ёки ундан кўпроқ ноталарнинг ёй шакли ёки билан шу бир номдаги ноталарнинг тагидан ёки устидан бирлаштириш кифоядир.

Масалан:



## НОТА ЁЗИШДА НУҚТАНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳар қандай узунликдаги нотанинг ўнг ёнига қўйилган нуқта ўша нотанинг ярми қадар чўзилиш миқдорини орттиради.

Масалан:




## НОТА ЙЎЛИ

Нота йўли — бешта ёндош чизиқ бўлиб, ноталар шу чизиқлар ёрдамида ёзилади.

Нота чизиқлари тартиб билан пастдан юқорига қараб саналади.






www.ziyouz.com kutubxonasi

Дуторнинг пардаларини босиб чалган вақтимизда баланд ва паст музика товушлари эшитилади. Шу баланд-паст музика товушларини нота чизиқлари ёрдамида ёзилади. Нота чизиғидаги нота қанча юқори ёзилган бўлса, музика товушлари шунча баланд эшитилади.

Масалан, иккинчи чизиқдаги нота биринчи чизиқдаги нотага қараганда баланд, иккинчи чизиқдаги нота эса учинчи чизиқда ёзилган нотага қараганда паст товуш беради.

Ноталар тартиб билан нота чизиғининг ўзида ва орасида ўрнашган бўлади.



Иккинчи чизиқнинг ўзида



Иккинчи чизиқ билан учинчи чизиқ орасида



## ҚЎШИМЧА ЧИЗИҚЛАР

Бешта асосий нота чизиғидан ташқари, паст ва жуда баланд музика товушларини ёзиш учун яна қисқа-қисқа қўшимча нота чизиқлари ишлатилади ҳамда пастки ва юқориги қўшимча чизиқлар деб ном берилади.

Асосий нота чизиқлари остидаги қўшимча чизиқлар юқоридан пастга қараб, юқориги қўшимча чизиқлар эса пастдан юқорига қараб саналади.

пастки қўшимча чизиқлар



юқориги қўшимча чизиқлар



## ПАУЗАЛАР

Музика асаридаги тиниш белгиси пауза дейилади. Паузаларнинг узун-қисқалиги ноталар сингари ўлчанади. Паузалар ҳам, ноталар сингари, тенг иккига бўлиниб, бутун пауза, ярим пауза, чорак, нимчорак, ўн олтилик, ўттиз иккилик деб аталади.







www.ziyouz.com kutubxonasi

Бутун ва ярим паузаларнинг қайси чизиқда ёзилишига аҳамият бериш керак. Чунки бу паузалар маълум жойларда, яъни бутун пауза тўртинчи чизиқнинг тагига осилиб туради, ярим пауза учинчи чизиқнинг устида туради, қолган паузалар эса эркин ҳолда ёзилади.

Юқорида кўрсатилганидек, нуқта паузага ҳам таъсир қилади.

Масалан:







## МУЗИКА ТОВУШЛАРИНИНГ АСОСИЙ НОМЛАРИ

Музика товушларига еттита асосий ном берилади:

*До Ре Ми Фа Соль Ля Си*

Бу товушлар товуш қатори давомида изчил суратда такрорланиб боради.

Ҳар бир ўрганувчи бу номларни тартиб билан тўғри ва тескари ўқишга ўрганиши ва ёд олиши зарур.

## СОЛЬ КАЛИТИ (скрипка калити)

Товушни аниқлаш учун нота йўлининг бошланишига алоҳида белги — калит белгиси қўйилади. Дутор учун ноталар *соль* калитида ёзилади. Бу калитнинг қайрилган учи иккинчи чизиқни ўз ичига олиб туради ва унга *соль* товуши ёзилиши кераклигини кўрсатади.

Масалан: *соль* калити



*Соль* калити (скрипка калити) нинг биринчи учи нотанинг биринчи чизиғи тагидан бошлаб бешинчи чизиқ устидан айланиб, ҳамма чизиқни ўз ичига олади, калитнинг иккинчи учи иккинчи чизиқни ўраб олгани учун шу чизиқнинг ўзида ёзилган нота *соль* товуши деб айтилади, мана шу *соль* товушига қараб бошқа товуш қаторлари тартиб билан номлаб борилади:




## ОКТАВА

О к т а в а — латинча сўз бўлиб, с а к к и з и н ч и демакдир. Товуш қаторларини тартиб билан номлаб боришда баъзи бир товушларнинг бир-бирига ўхшашлиги кўринади, бундай товушлар, яъни биринчи *До* дан (*до, ре, ми, фа, соль, ля, си, до*) иккинчи *До* гача бўлган оралиқ о к т а в а дейилади:




www.ziyouz.com kutubxonasi

*Соль* калитида ёзилган бу товушларнинг пастки биринчи қўшимча чизиқнинг ўзида ёзилган *до* товушидан учинчи нота чизиғида ёзилган *си* товушигача бўлган товушлар биринчи октава товушлари дейилади.




*Соль* калитида ёзилган товушларнинг учинчи ва тўртинчи чизиқлар орасидаги *до* товушидан юқорида — биринчи қўшимча чизиқ устида ёзилган *си* товушигача бўлган товушлар иккинчи октава товушлари дейилади.




*Соль* калитида ёзилган товушларнинг юқориги иккинчи қўшимча чизиқда ёзилган *до* товушидан юқориги бешинчи қўшимча чизиқда ёзилган *си* товушигача бўлган товушлар учинчи октава товушлари дейилади.




Пастки биринчи қўшимча чизиқда ёзилган товушдан олдин келадиган паст товушлар (*соль, ля, си*) кичик октава товушлари дейилади.




## ТОН ВА ЯРИМ ТОНЛИКЛАР

Ҳар қандай хроматик бўлинган музика асбобининг пардаларидан биронтасини қўлнинг биринчи бармоғи билан босиб, яна ёнидаги пардани иккинчи бармоқ билан босилса, бу ҳолда ҳар иккала парданинг оралиғи ярим тон деб аталади. Агар иккинчи босилган пардани қўйиб юбориб, биринчи бармоқни босиб, орада бир парда ташлаб, сўнг учинчи бармоқ босилса, ана шу иккала парданинг оралиғи бир тон дейилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИНТЕРВАЛЛАР

Интервал — ўзбек тилида оралиқ демакдир.

Музикадаги ҳамма товушлар бир-бирлари билан маълум бир масофадаги оралиққа эгадир.

Номлари бир хил ва ҳар хил икки товуш оралиғи интервал дейилади.

Музика асарларида интерваллар бирин-кетин келиши ёки икки товуш бир вақтда қўшилиб келиши мумкин.



Интервалнинг мелодик шакли    Интервалнинг гармоник шакли

## ИНТЕРВАЛЛАРНИНГ НОМЛАРИ

Интерваллар қуйидаги номларга эга бўлиб, бу номлар қисқартилиб рақамлар билан кўрсатилади:

1. Прима:



2. Секунда:



3. Терция:



4. Кварта:



5. Квинта:



6. Секста:



7. Септима



8. Октава



## ГАММА

Октава оралиғида бирин-кетин келган товуш қаторлари гамма дейилади.

Гамма саккиз товушдан иборат бўлиб, унинг биринчи товуши ва шу товушнинг саккизинчи товушда қайтарилгани тоника товуши деб аталади.

Гаммалар асосан икки турли бўлади:

1) мажор гаммалари, 2) минор гаммалари.

Мажор гаммалари қуйидагича тон ва ярим тонликлар асосида тузилади ва босқичлар латин рақамлари билан кўрсатилади.

*До* мажор гаммаси:






www.ziyouz.com kutubxonasi

Минор гаммалари мажор гаммаларининг VI босқичидан ҳосил бўлади. Масалан, *До* мажор гаммасининг VI босқичи биринчи *ля* товушидан то иккинчи *ля* товушигача бўлган товуш қаторлари — *минор гаммасидир.* Бу эса *До* мажорнинг ёндош (параллел) миноридир.

Минор гаммалари қуйидагича тон ва ярим тонликлар асосида тузилади.

*ля* минор гаммаси:




Мажор ва минор гаммалари ҳамма вақт ҳар қандай товушдан юқорида кўрсатилган тон ва ярим тонлик жадваллари асосида тузилиши шарт.

*Соль* мажор:




*ми* минор:




## ДИЕЗ БЕЛГИСИ

Ҳар қандай нотанинг чап ёнига қўйилган ♯ белгиси ўша нотани ярим парда кўтаради.

Масалан: юқорида кўрсатилган *соль* мажор гаммасининг *фа* нотаси ёнига қўйилган *диез* белгиси музика асбобларида шу *фа* нотаси юқори томонга бармоқни ярим парда суриб босилади. Бу эса *фа* товуш эмас, балки *фа-диез* товушидир.

## БЕМОЛЬ БЕЛГИСИ

*Бемоль* белгиси *диез* белгисининг аксинчасидир.

Ҳар қандай нотанинг чап ёнига қўйилган ♭ белгиси ўша нотани ярим парда пастга туширади.

Масалан: мажор гаммасининг жадвали асосида *фа* товушидан мажор гаммаси тузилса, тўртинчи босқич *си* товушига албатта *бемоль* белгисини қўйиш керак бўлади. Бу ҳолда *си* товуши *си-бемоль* товушига тушади.

*Фа* мажор:






www.ziyouz.com kutubxonasi

*Диез* ва *бемоль* белгилари одатда музика асарларининг қайси тонликда ёки қайси гаммада ижро этилишини аниқлаб, *диез* ва *бемоль* белгиларини ҳар бир нотанинг олдига ёзиб бормасдан, нота чизиғининг бошида калитдан кейин қўйилади, холос.

Масалан:

бунинг ўрнига





бу керак





Бу ҳолда музика асарининг қай ерида *фа, до, соль* товушлари учратилса, ҳаммаси деярли ярим парда юқори ижро этилади.

Бу ҳолда *диез*нинг аксинчаси бўлиб, *си, ми, ля* товушлари ярим парда пасайтирилади.

Баъзи музика асарларида калит олди белгиларидан ташқари, бошқа белгилар учрайди. У ҳолда бу белгилар ҳар бир нотанинг олдига қўйилади.

Масалан:

Соз



«Омон ёр» куйи.



ва ҳ.қ

**БЕКАР БЕЛГИСИ**

Товушларни ярим парда кўтарувчи белги ва ярим парда пастга туширувчи белгиларни бекор қилиб, асли товушларни ўз ўрнида қолдирувчи ♮ белгиси, *бекар* белгиси деб аталади.






www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу куйда калит олдига *фа-диез* ва *до-диезлар* қўйилган. Куйнинг иккинчи йўлидаёқ *до* товуши ёнига қўйилган бекар белгисини кўрамиз, бу ҳолда *до* товуши ўз аслича ижро этилади.

## ТОНАЛЛИК

Нота чизиғининг олдига калитдан кейин қўйилган *диез* ёки *бемол*нинг қайси гаммага тааллуқли эканлигини аниқлаш *тоналлик* деб аталади.

Куйларнинг қайси тоналликда эканлигини аниқламоқ учун икки томонлама қараш керак. Биринчидан, калит олдидаги белгиларга қаралса, иккинчидан, куй қайси товушдан бошланиб, қайси товушда тамом бўлганлигига қараш керак. Айниқса тамом қилувчи товуш тоналликни кўпроқ аниқлайди.

Демак, ҳар қандай ёзилган куйлар, калит олди белгиларига кўра, мажор ёки минор эканликлари куйни тамом қилувчи товушнинг номи билан номланади.

## АКЦЕНТ

Айрим бир товушнинг бошқаларидан кўра кучлироқ бўлиши билан ажралиши а к ц е н т ёки у р ғ у деб аталади.

Куйлар акцентлар бўйича тўдаларга ажралиб, тактлар ҳосил қилади. Акцент «>» белгиси билан кўрсатилади.

## ТАКТ

Музика асарларини куйлаб кўрилган чоқда маълум бир вақт орасида акцент ёки урғу билан берилган товушлар эшитилади. Бу акцентлар эса куйни то охирига қадар тўда-тўдаларга бўлиб боради.

Биринчи акцент товушидан иккинчи акцент товушигача бўлган оралиқ б и р т а к т деб аталади, ёки нота чизиқлари устидан кесик чизиқ қўйилади. Бу чизиқларнинг такт чизиқлари ва ҳар икки такт чизиғи ораси б и р т а к т деб аталади.

Масалан:




## ОДДИЙ ВА МУРАККАБ ТАКТЛАР

Такт ичида учрайдиган акцент бирдан ортиқ бўлмаса, яъни такт бошидаги товуш акцент билан келиб, шу такт ичида бошқа акцент учрамаса, бу ҳол о д д и й т а к т деб аталади. Агар бир такт ичида бирдан ортиқ акцент учраса, у ҳолда бу такт м у р а к к а б т а к т дейилади.

Масалан:

оддий такт



мураккаб такт



Мураккаб такт умуман икки ёки учта оддий тактдан тузилган бўлади. Шунга кўра мураккаб тактлар ичида акцентлар бирдан ортиқ келади. Лекин такт олдидаги биринчи акцент кейин келадиган акцентдан кучлироқ бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Оддий тактлар ўлчови



Мураккаб тактлар ўлчови




## ТАКТОЛДИ ТЎЛИҚСИЗ ТАКТ

Бир хил музика асарлари ёки қўшиқлар тактнинг бошидан эмас, балки тактнинг ярмидан ёки охирги чорагидан бошланади. Бундай тактлар **тактолди тўлиқсиз такти** деб аталади.




## СИНКОПА

Тактлардаги акцентларнинг кучли ҳиссалардан кучсиз ҳиссаларга кўчиши **синкопа** деб аталади.

*Синкопалар* бир тактнинг сўнгги кучсиз ҳиссадан иккинчи тактнинг биринчи кучли ҳиссасига лига ёрдами билан боғланган ҳолда ҳам ҳосил бўлади.

Масалан:



Синкопа тактдан тактга ўтмасдан, такт ичида ҳам кўп учрайди. Бу ҳолда тактдаги кучсиз ҳиссалар кучлироқ ҳиссаларга қўшилган бўлади.

Масалан:





www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚАЙТАРИШ БЕЛГИЛАРИ

**Реприза.** Реприза — французча сўз бўлиб, қ а й т а р и қ демакдир.

Музика асарлари орасида бир хил жумлани ёки бўлакчаларни икки мартадан ёзиб турмасдан, балки бир марта ёзиб, ҳар икки томонга реприза  белгиси қўйилади.

Масалан:



**Сегно.** Баъзи музика асарларида ва кўпроқ ашулаларни бошдан-оёқ ижро этилгандан кейин, яна бошдан-оёқ қайтариш лозим бўлганда, шу асарнинг бошига ва охирига

𝄋 белгисини қўйиш керак бўлади.

Бундан ташқари, бир хил куйларда бир катта бўлакни ёки бир асарнинг ярмини қайтаришда ҳам сегно белгиси ишлатилади.

## ВОЛЬТА

В о л ь т а баъзи бир музика асарларининг орасида ва кўпроқ охирида учрайди.

Вольта репризанинг иккинчи қайтарилишини бошқа шаклда ёзилган кейинги тактга олиб ўтади. Шунга кўра вольта I ва II вольталар бўлиб келади. Биринчи вольтани б и р и н ч и к е л и ш деб, иккинчи вольтани эса и к к и н ч и  к е л и ш, деб аташ ҳам мумкин.

### Қашқарча

*Ўзбек халқ куйи*






www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУЗИКА АСАРЛАРИДАГИ ДИНАМИК БЕЛГИЛАР

Динамик белгилар музика асарлари ижро этилаётган вақтда қайси бўлимни секин ва қайси бўлимни қаттиқ ижро этиш учун қўйилади.

**Динамик белгилар жадвали**

| Ёзилиши | Қисқартирилган номи | Ўқилиши | Маъноси |
|---|---|---|---|
| mezzo piano | *mp* | меццо-пиано | ўртача секин |
| piano | *p* | пиано | секин |
| pianissimo | *pp* | пианиссимо | жуда секин |
| mezzo forte | *mf* | меццо-форте | ўртача қаттиқ |
| forte | *f* | форте | қаттиқ |
| fortissimo | *ff* | фортиссимо | жуда қаттиқ |
| crescendo | < | крешчендо | қаттиқлаштириб |
| diminuendo | > | диминуэндо | секинлаштириб |
| sforzando | *sf* | сфорцандо | айрим товушни бирдан қаттиқ чалиш |

## ФОРШЛАГ

*Форшлаг* немисча сўз бўлиб, босим олдидан деган маънони билдиради. Форшлаг ўзбек куйларида кўп учрайди. Форшлаг белгиси кичкина нотача билан кўрсатилиб, бир пардадан иккинчи пардага тез кўчишни аниқлайди.

Форшлаглар такт ичидаги саноққа кирмайди. (Илгари созандалар форшлагни қочирим деб юритар эдилар.)

Масалан:




## ДУТОР УЧУН ИШЛАТИЛАДИГАН ЯНГИ БЕЛГИЛАР

### БЕЗАК БЕЛГИСИ

Безак белгилари музикада, айниқса дуторда нола ўрнида ишлатилади. Безак белгиси асосан икки хил бўлади. У ҳам бўлса „ ∧ ва √ Бу белгилар ноталарнинг устига қўйилади. Безак белгиси қўйилган ноталар дуторда бир зарб билан уч товуш ижро этилади.




∧ Бу белги қўйилган нота ижро этилганда биринчи *до* нотасига зарб урилиб, *ре* ва кейинги *до* товушларига зарб урилмай, бармоқ босиб чиқилади, холос.

√ Бу қўйилган белгида эса ижро этилиши биринчи *соль* товушини 3- бармоқ билан олиб зарб урилиши биланоқ 1- бармоқ *фа* товушига тушиб, 3- бармоқ яна дарҳол *соль* товушига чиқиши лозим.






www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар безакларнинг ёрдамчи товушларини ярим тон кўтариш ёки тушириш керак бўлса, безак белгиларининг устига ва тагига тегишли хроматик белги қўйилади.

Масалан:

ёзилиши ижро этилиши ёзилиши ижро этилиши



Дуторда куйларни чиройли ва чертиб чалиш учун муайян белгиларни қўйиш лозим бўлади.

♪ зарбни чертиб тушиш белгиси.

▼ — товуш ўрнига ўрта бармоқ билан дутор қопқоғига бўм уриш белгиси.

Бу ҳар иккала белги кўпроқ ўйин куйларида ишлатилади.

Масалан:



Чертиш зарбини ҳеч қандай товушсиз пауза ўрнида ишлатиш мумкин.

Масалан:



„ ⁺⌒ “ „ ⌒⁺ “ — бир зарбда икки товуш олиш белгиси. Бу белги *нола* белгиси деб аталади. Нола белгиси билан чегараланган товушнинг ҳар бири икки товуш бериши лозим. „ ⌒⁺ “ белгиси қўйилган биринчи товушга урилган зарб бир саноғи билан ҳисобланса, иккинчиси зарб урилмай 2- ёки 3- бармоқ билан *и* — саноғи ҳисобига товуш бир парда юқорига босилиши керак.

„ ⌒⁺ “ белгиси эса товушнинг иккинчи (зарб урилмайдиган) ҳиссасини юқоридан, яъни 2- ёки 3- бармоқдан 1- бармоққа туширади.

Масалан:

ёзилиши: ижро этилиши:



Агар нола товушлари *диез* ёки *бемоль* товушларига чиқиб-тушса, у ҳолда иккинчи нола товуши ёнига тегишли альтерация бельгиси қўйилади.

Худди шундай ижро этишларга чертиш қўшилиши ҳам мумкин. Лекин фақат товушнинг юқорига чиқиш зарбидагина чертилади ва „ ♪⁺⌒ “ белгиси билан кўрсатилади. Бу белги **чертма-нола** деб аталади.

Ёзилиши:



Ижро этилиши:



„ ‥⌒ " — бир зарбда босилган бармоқ шу пардада икки марта кўтарилиб-тушиб, сўнг шу товушни пастки пардага очиб юбориш белгиси.
Бу белги қ ў ш н о л а деб аталади.

ёзилиши: ижро этилиши:

Масалан: 

**Азим дарьё**

Соз 





www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДУТОРНИНГ СОЗЛАРИ

Дуторнинг сози асосан икки хил бўлади. Бу созларнинг номлари халқ орасида м у н о ж о т сози ва д и л х и р о ж сози деб аталарди. Нота усулида эса муножот сози к в и н т а, дилхирож сози к в а р т а сози деб юритилади. Бу икки хил создан ташқари, яна икки хил дутор сози бор, лекин бу созларни илгари уста дуторчилар якка дуторда «Наво»га ўхшаш куйларни ижро этганларида ишлатар эдилар. У ҳам бўлса биринчиси октава, яъни биринчи торга қараганда иккинчи тор бир октава пастга созланади, иккинчиси унисонга, яъни ҳар иккаласи бир товушга созланади. Бу соз илгари қ ў ш т о р ёки н а в о созлари деб аталарди.

Биз ҳозирча юқорида кўрсатилган квинта ва кварта созларини ишлатамиз.

### Тенор дуторида кварта ва квинта созларининг қандай товушларга созланиши







Кварта созининг биринчи товуши (биринчи торнинг очиғи) *Ре* биринчи октава бўлса, иккинчи товуш (иккинчи торнинг очиғи) кичик октаванинг *ля* сидир.

Кварта созидан квинта созига кўчиш учун иккинчи ипни бир тон пастга, яъни *соль* га тушириш керак.

Квинта созидан кварта созига кўчиш учун иккинчи торни бир тон кўтариб *ля* товушига созланади, биринчи тор *ре* ҳар иккала созда ўз ўрнида қолади.






www.ziyouz.com kutubxonasi

**Халқ дуторининг пардалари ва уларнинг номлари**

Ҳар иккала созда

Расмий дуторнинг кварта ва квинта созларида (ва ҳ. к.)

**Квинта сози** **Кварта сози**





Дутор пардаларини бундай бўлишда ораларида яна бир қанча пардаларнинг қолгани кўринади. Мана шу қолган пардалар *диез* ва *бемол* лардир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Ҳар иккала созда дутор пардаларининг хроматик бўлинишига қараб номланиши

Квинта сози



Кварта сози



Эслатма. Асосий еттита товуш қатори орасида *ми* билан *фа* нинг оралиғи ва *си* билан *до* нинг оралиғи одатда ярим тон (ярим парда) бўлади. Қолган товушларнинг оралиғида эса пастки нотанинг *диези* ёки юқориги нотанинг *бемоли*дир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДУТОРНИНГ ҚИСМЛАРИ




## ДУТОРНИ ЧАЛИШ ОЛДИДАН ҚАНДАЙ УШЛАШ КЕРАК



Дуторни ушлаган вақтда пастки ён қовурғасини ўнг оёқ сонининг устига қўйиб, устки ён қовурғасини ўнг қўлнинг тирсагига яқин билак билан қаттиқроқ ушлаш керак. Шунда дуторнинг қопқоғи юқори томонга озгина ёнбошлаши ва дутор дастасининг учи чап елка билан баравар бўлиши шарт.

Дуторнинг дастаси биринчи бармоқнинг катта бўғини билан ўрта бўғини орасида туриши ва бармоқларнинг ҳамма бўғинлари букилган ҳолда пардалар устига келиши керак. Парда босилганда бармоқларнинг дўнгчалари билан бир миллиметр пастга томон босиш керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЧАП ҚЎЛ БАРМОҚЛАРИНИНГ МУЗИКАВИЙ БЎЛИНИШИ




Чап қўл бармоқлари қайси пардани қайси бармоқ билан босиши кераклиги ноталар устида рақамлар билан кўрсатилади. Иккинчи торни эса кўпроқ бош бармоқ билан босилади.

Сарбозча




## ЎНГ ҚЎЛНИНГ ХУСУСИЯТИ ВА ЗАРБ БЕЛГИЛАРИ

Чап қўлнинг вазифаси кўп музика асбобларида, яъни дутор, танбур, рубоб ва ғижжакда парда босиш умуман бир хилдир. Ўнг қўлнинг хусусияти эса мана шу асбобларнинг ҳар бирида ҳар хилдир.

Дутор чалишда зарб жуда катта аҳамиятга эга. Дуторни яхши билиш учун зарб турларини пухта ўрганиш лозим.

Дутор машқлари турли-туман ва ҳар хил ритмда бўлишига қараб турли зарблар билан ижро этиш керак бўлади.

Зарбни урганда дутордан чиройли ва ёқимли товуш чиқариш учун панжаларни жуда бўш ташлаш ва зарбни энг юқориги авж пардага яқин, яъни дуторнинг бўғзи ўртасида уриш керак.

Зарблар умуман беш хил бўлади. Булардан иккитасини к а т т а з а р б деб, иккитасини к и ч и к з а р б деб, бешинчисини эса т а н о в а р з а р б и деб атаймиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi





1-з а р б юқоридан пастга бош бармоқдан ташқари, қолган тўрт бармоқ, яъни панжа билан урилади. Бу зарб *П* (панжа) белгиси билан кўрсатилади.

2-з а р б пастдан юқорига бош бармоқ билан урилади. Зарбнинг кучли бўлиши учун бош бармоқни тагидан кўрсаткич ва ўрта бармоқлар итариб чиқаради. Бу зарб *Б* (бош) бармоқ белгиси билан кўрсатилади.

Қуйидаги ноталар катта зарб билан пастга урилади:




ва ҳ. қ.

Катта зарбни юқорига урганда товушларнинг фақат «и» қисмига урилади.

Масалан:




ва ҳ.қ.

Агар куйларда ўн олтилик товушлар аралаш келса, бу ҳолда биринчи ўн олтилик пастга, иккинчиси юқорига, *и* қисми эса пастга урилади.




ва ҳ.қ.



www.ziyouz.com kutubxonasi





3-з а р б фақат кўрсаткич бармоқ билан куйлар секин товуш берадиган пайтларда, бир нотани майдалаб тириллатиб чалиш ва баъзи товушларни секин уришда ишлатилади. Бу зарб к (кўрсаткич бармоқ) ҳарфи белгиси билан кўрсатилади. Бу зарбда $\overset{к}{V}$ пастга ва $\overset{к}{\Lambda}$ юқорига уриш белгилари ишлатилади.

Кўрсаткич бармоқ зарби учун товушлар турли шаклда ёзилиши мумкин, чунки бу зарб кўрсатилганда куйнинг ўша жойи секин ва ёқимли ижро этилади.

Бундан ташқари, баъзи бир куйларда чорак ва ярим ноталарни майдалаб, яъни кўрсаткич бармоқ билан тириллатиб ижро этиш пайтларида ўша нотани нимчорак даражасига олинса, шу нота тагида битта чизиқ, ўн олтилик даражасига олинса, иккита чизиқ, ўттиз иккилик даражасига олинса, учта чизиқ бўлади.

4- з а р б бош бормоқ билан кўрсаткич бармоқни кетма-кет пастга ва юқорига тез уриш орқасида тез тириллатиш пайдо бўлади. Бу зарб *tr*... (трель) белгиси билан кўрсатилади.

Масалан:




Тириллатиш зарбида эса товушлар устига *tr* белгиси қўйилади. Чорак нотада қўл бир марта пастга тушиб чиққанда тўрт товуш тебраниши ҳосил бўлади. Қай бир куйларда саккизлик нотада ҳам қўл бир марта пастга тушиб чиққанда тўрт товуш уриб ўтиши мумкин.

**Бинафша**

*Халқ куйи*






www.ziyouz.com kutubxonasi

Масалан:

Лапар

*Халқ куйи*



## ТАНОВАР ЗАРБИ

Тановар зарби дуторда жуда кўп куйларда ишлатилади. Дуторчи бўлишни истаган ҳар бир киши бу зарбни албатта ўрганиши керак. Лекин тановар зарби устида ҳамма зарблардан кўра кўпроқ ишлашга тўғри келади.

Тановар зарби, асосан, кўрсаткич ва бош бармоқларнинг иштирокида урилади.

Тановар зарбини ўрганиш учун кўрсаткич ва бош бармоқлар мумкин қадар бўш ҳолатда, қолган бармоқлар эса озгина букилган ҳолатда бўлиши шарт.

Зарб юқоридан пастга урила бошлаганда, олдин кўрсаткич бармоқ бўш ҳолатда торни уриб тушади, унинг кетидан бош бармоқ бўш ҳолатда дутор бўғзининг қиррасига (зийига) тиралиб, сўнг судралиб тушиб, торни уриб тушади.

Қуйидаги расмга қаранг.



Бу зарб *к б* белгиси билан кўрсатилади.

Зарб пастдан юқорига урилаётган пайтда олдин бош бармоқ бўш ҳолатда юқорига торни уриб чиқади, кўрсаткич бармоқ эса бўш ҳолатда дутор бўғзининг пастки қиррасига келиб тегади ва судралиб чиқиб, сўнг торни уради.

Қуйидаги расмга қаранг.



Бу зарб *б к* белгиси билан кўрсатилади.

## ТАНОВАР ЗАРБИГА НОТАЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

Тановар зарби чорак нота таёқчасига икки кичкина кесик чизиқча қўшиш билан кўрсатилади, 𝅘𝅥 бу ҳолда кўрсаткич бармоқ бош бармоқ (бир пардада) кетма-кет пастга ва юқорига уриб тўрт товуш ҳосил қилади.

Нимчорак нота таёқчасига бир чизиқ қўшиш билан кўрсатилади 𝅘𝅥𝅮 Бу ҳол ўлчовнинг *бир* қисмида келса, кўрсаткич бармоқ ва бош бармоқ кетма-кет пастга уриб тушади. Агар ўлчовнинг *и* қисмида келса, бош бармоқ ва кўрсаткич бармоқ билан юқорига уриб чиқиб, икки товуш ҳосил қилади.

Тўртта ўн олтилик турли пардаларда келиб қолса, таёқчаларни бирлаштирган ўн олтилик қўш чизиқ устидан кесик чизиқ қўйилади 𝅘𝅥𝅯𝅘𝅥𝅯𝅘𝅥𝅯𝅘𝅥𝅯 ва бу ҳолда олдинги икки ўн олтиликни пастга ва кейинги икки ўн олтиликни (расмдаги қоидага мувофиқ) юқорига уриб чиқилади.

Тановар зарбида ўн олтилик ноталар турли пардаларга жойлашган бўлса, бундай пайтларда ўрганувчига аниқроқ бўлсин учун ноталар устида *к* (кўрсаткич), *б* (бош бармоқ) белгилари билан кўрсатилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Масалан:




*кббк* белгилари тўртта ўн олтилик нотанинг иккитаси пастга, иккитаси юқорига урилганидек, биринчи *к — б* белгилари пастга ва иккинчи *б — к* белгилари, расмда кўрсатилган қоидага мувофиқ, юқорига урилади.

Тановар зарбида баъзи куйларда *к* зарби ўрнига *П* зарби ишлатилади, қолган зарбларни эса ўз ҳолича ижро этилади ва шу тановар зарбида ёзилган товуш устига *П* зарби қўйилади. Бу



ҳолда


ўрнига зарби урилади.

## ДУТОР ТАНОВАРИ

Соз


Масалан:




Дуторда бешта асосий зарбдан ташқари, шу зарблардан ташкил топган яна бир неча хил зарбларни учратиш мумкин. Бундай зарблардан яна уч хилини оламиз:

I. Тескари зарб.
II. Қўш зарб.
III. Терма зарб.

## ТЕСКАРИ ЗАРБ

Тескари зарбнинг тўхташи икки турли бўлади.

Масалан:




Тескари зарбни катта *Т* ҳарфи билан ифодалаймиз ва тескари зарб ишлатиладиган тактлар устига *Т* ҳарфини қўямиз.

Тескари зарбда бир куйни бошидан охиригача ҳам ижро этилади.

Масалан:






www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚЎШ ЗАРБ

Форшлаглар (қочиримлар) куйларда турлича учрайди.

Масалан:



ва ҳ. қ.

Бу форшлаг белгиларидан учинчисининг дуторда ўзига хос зарби бор.

Ўзбек қўш зарби куй безашда катта аҳамиятга эга

Қўш зарб бир пардада қўшалоқ ёқимли товуш беради, бу товушларни қуйидаги белги билан ифодалаймиз:



Қўш зарбда панжа бармоқлари йиғилган ҳолда бўлиб, бош бармоқ билан кўрсаткич бармоқ бирлашган ҳолда қисқа масофада торни юқорига уриб ўтиб, панжа зарби дарҳол пастга уради:




## ТЕРМА ЗАРБ

Терма зарб асосан П (панжа) зарбининг ўзидир. Терма зарбда фақат панжанинг тўрт бармоқ оралари бир оз очилиб, торга зарб урилганда тўрт бармоқ терилиб тушади (терма зарб фақат пастга урилади).

Терма зарбни ⌇ белгиси билан ифодалаймиз. Терма зарбни такт ичидаги терма зарбга тааллуқли нота олдига шу белгини қўйиш билан ажратамиз. Бу зарб ҳам куйларни безашда ўзига хос хусусиятга эга.

Мисол





ва ҳ. қ.

## ДУТОР УЧУН КУЙЛАРНИ ОСОН ЁЗИШ ЙЎЛИ

Дуторга куй ёзиш ва шу куйни ижро этишни осонлаштириш учун иккинчи торнинг очиқ товушини ёзмасдан, биринчи тор учун куйнинг ўзини ёзиб, иккинчи торда учрайдиган очиқ товушдан ташқари, жўр бўлувчи товушлар куйнинг қаерида келаётганини қўшиб ёзиш кифоядир.

Масалан:

Соз



Демак, дуторга ёзилган куйлар орасида якка товуш (нота) учраса, иккинчи торни очиқ деб биламиз.

Гиря қозоқ — *Халқ куйи*





www.ziyouz.com kutubxonasi

## НОТА УСУЛИДА КУЙ ЎРГАНИШНИНГ ЭНГ ОСОН ЙЎЛИ

Ҳар бир музика асбобини ўрганишда диққатни кўпроқ нота санаш йўлига жалб этиш лозим.

Музикани биринчи марта ўрганувчи ҳар бир киши товушларнинг қанча чўзилиш миқдорини аниқлаб, уларни бир хил ритмда сақлашга одатланиши керак.

Бир хил ритмга одатланиш учун девор соати ва солдатлар юришини мисол қилиб олса бўлади.

Масалан: соат капгирининг бир боришини икки секунд билан ўлчаб, *бир* саноғи товуш билан айтилса, қайтиб келишини *и* саноғи билан санал-са, бу ҳол бир чорак




ёки икки нимчорак нотани




деб уриб ўтилган бўлади.

Ноталар орасида санашга қийинроқ бўлгани ўн олтилик ва нуқтали ноталардир. Бундай ноталарни энг осон санаш йўли — оғиздан чиқаётган саноқ товушларини, яъни *бир* ёки *и* ни бўлиб-бўлиб *би-ир и-и; ик-ки и-и* деб санашдир. Бу ҳолда тўртта ўн олтилик нотаси




деб уриб ўтилади. Агар оғиздан товуш билан чиқаётган бу саноқни аниқлаш лозим бўлса, оғзаки санаб туриб, шу ритмни қўл билан столга аста уриб, текшириб кўриш керак.

Тўртта ўн олтилик нотани санашни яхши ўрганиш натижасида нуқтали нотани санашни ҳам пухта ўрганиш мумкин. Масалан: бир нимчорак нотанинг ўнг томонига бир нуқта қўйилган бўлса, бу учта ўн олтилик бирлашган демакдир. Ана шунга яна бир ўн олтилик қўшиб ёзилган бўлса.



бундай ритмни юқорида кўрсатилган тўртта ўн олтилик саноғининг *би-ир и* сини нуқтали нимчорак нотасига санаб, иккинчи *и* ни қўшилган ўн олтилик нотага саналади.

Масалан:




## ЎН ОЛТИЛИК ТОВУШЛАРНИ БИРДАН ТЎРТГАЧА ҚАНДАЙ САНАШ КЕРАК




Бу ритмни аниқлаш учун девор соатига яқинроқ туриб, унинг чиқ-чиқ қилган товушига мослаб, икки қўл билан столга уриб машқ қилиш, шу саноқни оғзаки айтиб, соатни эшитиб, қўл билан урилаётган ритмга мослаш керак.




Бу ҳолда иккига бўлинган *и-и* қисмининг биринчи *и* сида урғу бўлмайди.

Бирдан тўртгача бўлган саноқ сўзларидаги *икки* сўзи икки бўғиндан иборат бўлганлиги сабабли ўн олтилик ноталарни санашга қулайдир. Лекин бу сўз чорак ва саккизталик ноталарни санаш учун ноқулайдир. Шунинг учун икки сўзини *ки* деб ишлатиш қулайроқ бўлади.






www.ziyouz.com kutubxonasi

## I ҚИСМ

**Музика товушларининг асосан 7 та номи бор. Дутарда дастлабки дарсларни ана шу асосий товушлар устида олиб борамиз**

### *1 - дарс*

### АСОСИЙ ПАРДАЛАР УСТИДА МАШҚ

*П* зарби билан пастга уриш.

Соз








www.ziyouz.com kutubxonasi

*ПБ* катта зарблари билан пастга ва юқорига уриш машқи






www.ziyouz.com kutubxonasi



## *2- дарс*

**Ре мажор гаммасига асосан *П* ва *Б* зарблари устида машқлар**

Чап қўлнинг 1-2-3-бармоқларини парда босишга ўргатиш:

Соз



вариантлар




Ушбу вариантларнинг ҳар бирини *Ре* мажор гаммаси асосида машқ қилиш керак:

1- вариант оғирроқ






www.ziyouz.com kutubxonasi



Эслатма. Ушбу дарсларни ўтилаётган пайтда ўрганувчи дутор ушлаш ва зарб ташлаш қоидаларига қатъий риоя қилиши шарт.

## 1. Офтоб чиқди

*Ўзбек халқ қўшиғи*

Соз







www.ziyouz.com kutubxonasi

## 2. Капалак қўшиғи

Соз



*А. Илёсов музикаси*




## 3. Май

Соз



*Ғ. Қодиров музикаси*




## 4. Май байрами

Соз



*Ўзбек халқ қўшиғи*





www.ziyouz.com kutubxonasi

## 5. Арча

Соз 

*А. Муҳамедов музикаси*



## 6. Ўлан

Соз 

*Ўзбек халқ қўшиғи*



## 7. Қорбобо қўшиғи

Соз 

*А. Илёсов музикаси*





www.ziyouz.com kutubxonasi

## 8. Арча байрами

Соз



*Ик. Акбаров музикаси*



## 9. Олма

*Қ. Абдуллаев музикаси*

Соз






## 10. Қамиш пишиб

*Ўзбек халқ қўшиғи*

Соз







www.ziyouz.com kutubxonasi




Соз 

**11. Олма-анор**

*Ўзбек халқ қўшиғи*



**12. Гул лола**

Соз 

*Ўзбек халқ қўшиғи*





www.ziyouz.com kutubxonasi



## 13. Нималар девдим сизга

Соз



*Ўзбек халқ қўшиғи*



## 14. Самолёт

Соз



*А. Илёсов музикаси*





www.ziyouz.com kutubxonasi



### 15. Қора соч

*Ўзбек халқ лапари*

Соз








www.ziyouz.com kutubxonasi

## 16. Пионер қўшиғи

Соз



*Ўзбек халқ қўшиғи*



## 17. Қашқарча

*Ўзбек халқ куйи*

Соз







www.ziyouz.com kutubxonasi



## 18. Юмалаб-юмалаб

*Ўзбек халқ қўшиғи*

Соз






## 19. Колхозчилар, ҳормангиз

*Ўзбек халқ қўшиғи*

Соз







www.ziyouz.com kutubxonasi



**20. Озода тергил**

*Ўзбек халқ қўшиғи*

Соз





www.ziyouz.com kutubxonasi

## 21. Жамалагим

*Ўзбек халқ қўшиғи*




## 22. Омон ёр

*Ўзбек халқ қўшиғи*






www.ziyouz.com kutubxonasi

# II ҚИСМ

Иккинчи қисм — дутор ўрганишнинг асосий қисмидир. Бу қисм дуторда ишлатиладиган зарбларнинг ҳаммасини, шу жумладан *tr* зарби, тановар зарби, қўш зарб, тескари зарб ва терма зарбларни ўз ичига олади. Бу зарбларда ёзилган куйларни ўрганишдан олдин қуйидаги зарб машқлари устида ишлаш керак.

Қуйидаги вариантларнинг ҳар бирини *ПБк* зарбларида *Ре* мажор гаммаси асосида машқ қилиш керак.

*ПБк* зарбларида турли вариантлар:





$\frac{6}{8}$ Ўлчовда ПБк зарблари





www.ziyouz.com kutubxonasi

## tr зарблари устида машқлар

Битта саккизлик товушга зарб юқоридан пастга тушиб, яна дарров юқорига қайтади:







Тез темпли уфор куйларида бир чоракли товушга зарб бир марта тушиб чиқади, бу эса $tr^1$ белгиси билан кўрсатилади:




Оғир темпли куйларда ҳар бир саккизлик товуш ҳисобига зарб бир марта тушиб чиқади:




Қуйидаги вариантларнинг ҳар бирини *Ре* мажор гаммаси асосида машқ қилиш керак:






www.ziyouz.com kutubxonasi







Уфор ва $^{6}/_{8}$ ўлчовдаги куйлар зарби:







## ТАНОВАР ЗАРБИ

Эслатма. Тановар зарбида бир чорак нотага тўрт марта зарб урилишини ва саккизлик нотага икки марта зарб урилишини эсда тутинг.

Тановар зарбини ўрганиш учун олдин ҳар бир саккизлик товушга биттадан зарб бериб ўрганамиз.

Масалан: $\frac{2}{4}$ ўлчовида тўрт саккизлик нотанинг биринчи чорагига олдин кўрсаткич бармоқ юқоридан пастга *бир* ҳисобига уриб тушса, кетидан бош бармоқ *и* ҳисобига дутор бўғзининг қиррасига тиралиб судралиб ипни уриб тушади. Иккинчи чорагига эса олдин бош бармоқ пастдан юқорига *икки* ҳисоби билан уриб чиқса, кетидан кўрсаткич бармоқ *и* ҳисобига дутор бўғзининг қиррасига тиралиб, судралиб ипни уриб чиқади.

### Тановар зарблари устида машқлар









www.ziyouz.com kutubxonasi



Қуйидаги вариантларни таповар зарбида *Ре* мажор гаммаси асосида машқ қилинг:



## Қўш зарб уситида ишлаш



Қуйидаги ҳар иккала вариантда *Ре* мажор гаммаси асосида тескари зарб билан машқ қилинг:





www.ziyouz.com kutubxonasi

Қуйидаги вариантларни терма зарб билан *Ре* мажор асосида машқ қилинг:




**tr зарби учрайдиган куйлар**

Соз 

**1. Омон ёр**

*Ўзбек халқ қўшиғи*






www.ziyouz.com kutubxonasi

## 2. Тинчлик боғи

*М. Навимов музикаси*

Соз 



## 3. Жамалагим

Соз 

*Ўзбек халқ қўшиғи*



## 4. Олма атиржон

Соз 

*Ўзбек халқ қўшиғи*





www.ziyouz.com kutubxonasi



## 5. Лапар

Соз 

*Ўзбек халқ лапари*





www.ziyouz.com kutubxonasi



## 6. Қайларга борай

*Ўзбек халқ қўшиғи*



## Қўш зарб учрайдиган куйлар

## 7. Чаманда гул

Соз 

*Ўзбек халқ қўшиғи*





www.ziyouz.com kutubxonasi




## 8. Уфор

*Узбек халқ куйи*

Соз 






www.ziyouz.com kutubxonasi



## ТАНОВАР ЗАРБИ УЧРАЙДИГАН КУЙЛАР

### 9. Кремлга салом

*Ўзбек халқ қўшиғи*

Соз








www.ziyouz.com kutubxonasi




## 10. Мен борай кўчанг билан

*Ўзбек халқ қўшиғи*

Соз








www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТЕРМА ЗАРБ УЧРАЙДИГАН КУЙЛАР

### 11. Том бошида турган қиз

*Ўзбек халқ қўшиғи*

Соз 




### 12. Комсомол марши

*Ўзбек халқ қўшиғи*

Соз 





www.ziyouz.com kutubxonasi




Қуйидаги куйларни *Т* зарби билан ижро этиш мумкин.



**13. Дўмбоғим**

*Ўзбек халқ қўшиғи*






www.ziyouz.com kutubxonasi

## 14. Том бошида тоғора

*Ўзбек халқ қўшиғи*






www.ziyouz.com kutubxonasi

## III ҚИСМ

Бу қисмга дуторнинг иккинчи тори куйнинг қаерида биринчи торга жўр бўлиши ва баъзи куйларда ишлатиладиган чертиш, безак, нола каби зарблар киритилди. Бундан ташқари, дуторда ашулаларга жўр қилиш қисми ҳам киритилди.

Э с л а т м а. Ёзилган куйлар орасида учраган якка товуш биринчи торда ижро этилиб, иккинчи тор очиқдир. Агар икки товуш қўшалоқ (аккорд) бўлиб келса, у ҳолда юқориги товуш биринчи торда, пастки товуш эса дуторнинг созига қараб иккинчи торда ижро этилади.

Соз



### 1. Юринг, ўртоқ

*Ўзбек халқ қўшиғи*



Соз



### 2. Ҳо, Лайло

*Ўзбек халқ қўшиғи*





www.ziyouz.com kutubxonasi

## 3. Яллама ёрим

Соз



*Ўзбек халқ қўшиғи*




## 4. Гул лола

Соз








www.ziyouz.com kutubxonasi

## 5. Гулбоғ

Соз



*Ўзбек халқ қўшиғи*



## 6. Лаъли бадахшон

Соз



*Ўзбек халқ қўшиғи*





www.ziyouz.com kutubxonasi



### 7. Билагўзук

*Ўзбек халқ қўшиғи*






www.ziyouz.com kutubxonasi



Соз 

8. Чаманнор

*Ўзбек халқ қўшиғи*






www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДУТОРДА АШУЛАГА ЖЎР ҚИЛИШ ҚИСМИ

### 1. Тезу тоза терайлик

*Ўзбек халқ қўшиғи*






www.ziyouz.com kutubxonasi




Пахтанинг гули яхши,
Гулидан ўзи яхши.
Турмуш тинч бўлсин, деган,
Партия сўзи яхши.

Тезу тоза терайлик,
Чаноғида қолмасин.

Пахталар лўппи-лўппи,
Оппоқ бўлиб очилар.
Уни терган кишининг
Баҳри-дили очилар.

4

Тезу тоза терайлик,
Чаноғида қолмасин.

Ёноғида холи бор,
Сўзларида боли бор.
Илғор теримчиларнинг
Туганмас иқболи бор.

Тезу тоза терайлик,
Чаноғида қолмасин.

## Ҳай, ёр-ёр

*Ўзбек халқ қўшиғи*






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Оқ олтинлар очилди, ҳай, ёр-ёр, ёрамо,
Хуш ислари сочилди, ҳай, ёр-ёр, ёрамо,
Уни эккан кишининг, ҳай, ёр-ёр, ёрамо,
Баҳри-дили очилди, ҳай, ёр-ёр, ёрамо.

Тaралла, ла-ла-ла-ла, илалла, ла-ла-ла-ла,
Илалла, ла-ла-ла-ла, омон бўлинг.
Тaралла, ла-ла-ла-ла, илалла, ла-ла-ла-ла,
Илалла, ла-ла-ла-ла, эсон бўлинг.

Қулоқ солинг булбулга, ҳай, ёр ёр, ёрамо,
Пахта ўхшайди гулга, ҳай, ёр-ёр, ёрамо,
Нормани тўлдирмасдан, ҳай, ёр-ёр ёрамо,
Сира қайтмайман уйга, ҳай, ёр-ёр, ёрамо.

Тaралла, ла-ла-ла-ла, илалла, ла-ла-ла-ла,
Илалла, ла-ла-ла-ла, омон бўлинг.
Тaралла, ла-ла-ла-ла, илалла, ла-ла-ла-ла,
Илалла, ла-ла-ла-ла, эсон бўлинг.

Илғор теримчи қизни, ҳай, ёр-ёр, ёрамо,
Кунда кўргим келади, ҳай, ёр-ёр, ёрамо,
Лўппи-лўппи пахтани, ҳай, ёр-ёр, ёрамо,
Тинмай тергим келади, ҳай, ёр-ёр, ёрамо.

Тaралла, ла-ла-ла-ла, илалла, ла-ла-ла-ла,
Илалла, ла-ла-ла-ла, омон бўлинг.
Тaралла, ла-ла-ла-ла, илалла, ла-ла-ла-ла,
Илалла, ла-ла-ла-ла, эсон бўлинг.

## Жон қизлар

*П. Мўмин шеъри*
*А. Муҳамедов мусиқаси*






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Жон қизлар, жонон қизлар,
Колхозчи-деҳқон қизлар.
Далаларни яшнатган (оҳ яшнатган),
Ишда қаҳрамон қизлар.

Сизнинг чаққон қўлингиз,
Оппоқ пахта гулингиз.
Далаларни янгратган (жонон қизлар)
Сизнинг қувноқ куйингиз.

2

Меҳнатда обрўйингиз —
Сизнинг орзу-үйингиз.
Улуғ Ватан бахтига (жонон қизлар)
Доим омон бўлингиз.

Далаларни яшнатиб,
Шод этайлик кўнгилни,
Келинг қизлар, жон қизлар (жонон қизлар),
Берайлик қўлга қўлни.

**Йўл бўлсин**

*Ўзбек халқ қўшиғи*






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Тонг отмасдан уйғонибди қиз бола,
Сочин тарар, ой нури тола-тола.
Пахтазорлар мунтазирдир ёрига,
Йўлларига бош эгади гул лола.

Йўл бўлсин, йўл бўлсин, қиз бола,
Эккан пахтанг Кремлга гул бўлсин!

Ул кўринган кўркам қизил алвони,
Терлар тўкиб, ором олар қиз жони.
Яхши гулсан, бахтиёрсан оламда,
Донгинг кетган қаҳрамонлар полвони.

Йўл бўлсин, йўл бўлсин, қиз бола,
Эккан пахтанг Кремлга гул бўлсин!

Эккан пахтанг Кремлга гул бўлди,
Рўзғорингда зеб-зийнат мўл бўлди.
Жондан азиз партиямга олқишлар,
Ҳар бир сўзи бизга равшан йўл бўлди.

Йўл бўлсин, йўл бўлсин, қиз бола,
Эккан пахтанг Кремлга гул бўлсин!

www.ziyouz.com kutubxonasi

## IV ҚИСМ

### ДУТОРГА ФОРТЕПЬЯНОНИНГ ЖЎР БЎЛИШ ҚИСМИ

**Ўзбекча учта рақс**

**Дўланча**

Соз 

*Ўзбек халқ куйи*
*Б. Гиенко қайта ишлаган*






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi

## Қашқарча






www.ziyouz.com kutubxonasi






**Чаманда гул**

Соз






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Соз 

## Фарғонача






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi




Соз  **Қаринаво**

**Moderato**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi




**Чертмак**

Соз  1- вариант





www.ziyouz.com kutubxonasi



2-вариант





www.ziyouz.com kutubxonasi



3-вариант





www.ziyouz.com kutubxonasi




**Рақс**

Соз 

А. Илёсов музикаси





www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

## II. Қисм






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi




www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУНДАРИЖА

Автордан . . . . . . . . . . . . . . . . 3

Янги белгилар . . . . . . . . . . . . . . 4
Нота нима? . . . . . . . . . . . . . . . 5
Лига . . . . . . . . . . . . . . . . . . 6
Паузалар . . . . . . . . . . . . . . . . 7
Соль калити. Октава . . . . . . . . . . . 8
Тон ва ярим тонликлар . . . . . . . . . . 9
Интервал. Гамма . . . . . . . . . . . . . 10
Диез белгиси. Бемоль белгиси . . . . . . 11
Бекар белгиси . . . . . . . . . . . . . . 12
Тоналлик. Акцент. Такт . . . . . . . . . 13
Тактолди тўлиқсиз такт. Синкопа . . . . . 14
Вольта . . . . . . . . . . . . . . . . . 15
Динамик белгилар . . . . . . . . . . . . 16
Дуторнинг созлари . . . . . . . . . . . . 19
Дуторнинг қисмлари . . . . . . . . . . . 22
Зарб белгилари . . . . . . . . . . . . . 23
Тановар зарби . . . . . . . . . . . . . . 26
Дутор тановари. Тескари зарб . . . . . . 27
Қўш зарб. Терма зарб . . . . . . . . . . 28
Нота усулида куй ўрганиш йўли . . . . . . 29

**I қисм**

Асосий пардалар устида машқ . . . . . . . . 30

**II қисм**

*tr* зарблари устида машқлар . . . . . . . . . 45
Тановар зарби . . . . . . . . . . . . . . 46
*tr* зарби учрайдиган куйлар . . . . . . . . 48
Қўш зарб учрайдиган куйлар . . . . . . . . 51
Тановар зарби учрайдиган куйлар . . . . . 53
Терма зарб учрайдиган куйлар . . . . . . . 55

**III қисм**

Машқлар . . . . . . . . . . . . . . . . 58

Дуторда ашулага жўр қилиш қисми

Тезу тоза терайлик. *Ўзбек халқ қўшиғи* . . . . . 63
Ҳай, ёр-ёр. *Ўзбек халқ қўшиғи* . . . . . . . . 64
Жон қизлар. *П. Мўмин шеъри. А. Муҳамедов музикаси* . . . . . . . . . . . . . . 67
Йўл бўлсин. *Ўзбек халқ қўшиғи* . . . . . . . 70

IV қисм

Дуторга фортепьяночнинг **жўр бўлиш қисми**

Ўзбекча уч рақс . . . . . . . . . . . . . 75

www.ziyouz.com kutubxonasi

*На узбекском языке*

АБДУСАМАД ИЛЬЯСОВ

САМОУЧИТЕЛЬ ИГРЫ НА ДУТАРЕ

Пособие для учащихся культпросветтехникумов
и музыкальных училищ

*Издательство „Учитель“*
*Ташкент — 1966*

Редактор *Ислом Аҳмедов*
Музика редактори *Ю. И. Евдокимов*
Бадиий редактор *Ҳ. Аҳмаджонов*
Тех. редактор *Г. Мақсудова*
Корректор *Д. Галиева*

Теришга берилди 10/VIII-1965 й. Босишга рухсат этилди 9/VI-1966 й. Қоғози 60×90$^{1}/_{8}$. Физик л. 13,5. Нашр. л. 13,1. Тиражи 5000.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 109-65. Баҳоси 46 т. Муқоваси 15 т.

ЎзССР Министрлар Совети Матбуот давлат комитетининг 3-босмахонасида матрица қилиниб, 2-босмахонасида босилди. Янгийўл шаҳри, Чехов кўчаси, 3. 1966. Зак. 45.

www.ziyouz.com kutubxonasi